

**КРИМИНАЛИСТИК ҲИСОБЛАР ТУШУНЧАСИГА
ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

Нуриддинов Саидолим Саидкамол ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика

бош маркази бошлиғи

***Аннотация.** Мазкур мақолада криминалистик ҳисобларнинг назарий тушунчаси билан боғлиқ айрим муаммоли ҳолатлар таҳлили амалга оширилиб, ушбу тушунча юзасидан мамлакатимиз ва хорижлик тадқиқочиларнинг назарий қараишлари таҳлил қилинган ҳамда ўтказилган таҳлиллар якуни бўйича муаллиф томонидан криминалистик ҳисоб тушунчаси учун муаллифлик таърифи ва қатор назарий тушунчалар таклиф этилган.*

***Калит сўзлар:** ҳисоб, идентификация, рўйхат, биометрик ва генетик маълумотлар.*

Маълумки ҳар бир тушунчанинг асосий мантиқий вазифаси бирон нарсани бошқа нарсдан фикран ажратишдан иборат [1]. Шу сабабдан ҳам исталган нарсанинг тушунчаси бу – ўзида маълум бир нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир [2]. Ушбу диссертация тадқиқоти давомида криминалистик ҳисобларнинг назарий тушунчаси бўйича ўрганиш ва таҳлиллар амалга оширилди. Мазкур таҳлиллар давомида криминалистик ҳисобларнинг назарий тушунчасига нисбатан миллий ва хорижлик олимлар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд эканлиги маълум бўлди.

Ушбу турлича ёндашувлар аввало, мазкур тушунчага нисбатан ишлатилган номларда намоён бўлади. Миллий ва хориж адабиётларида айни мазкур тушунчага нисбатан “криминалистик ҳисоб” ва “криминалистик рўйхат” атамалари кенг равишда қўлланилаётганлигини ва

бу жараёнда криминалист олимлар ҳам мос равишда иккита гуруҳга ажралаётганлигини кўриш мумкин. Масалан Р.С.Белкин, Б.П.Смогоринский, В.А.Образцовлар ўзининг илмий тадқиқот ишларида “криминалистик рўйхат” атамасини ишлатган бўлса [3], М.Балик, И.Н.Евсюнин, И.А.Возгринлар “криминалистик ҳисобга олиш” атамаларидан фойдаланишган [4].

Шунингдек, ушбу атама юзасидан ҳам миллий адабиётларимизда ҳам турлича қарашлар мавжуд. Мисол тариқасида 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган Криминалистика дарслигида “криминалистик ҳисоб” атамаси келтириб ўтилган [5] бўлса, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат Юридик университетининг муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган Криминалистика дарслигида “криминалистик рўйхат” атамаси келтириб ўтилган [6]. Назаримизда дастлаб мазкур тушунчаларнинг қайси биридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига ойдинлик киритиш ва шундан кейингина назарий тушунчаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Криминалистика бўйича миллий адабиётларда “криминалистик рўйхат” ва “криминалистик ҳисоб” атамаларининг деярли бир хил маънода фойдаланилишида криминалистика бўйича рус адабиётларининг ўрни катта. Бунга сабаб эса айрим рус олимлари томонидан замонавий рус адабий тилида “учет” ва “регистрация” сўзлари синоним сўзлар эканлиги [7] ва шу сабабли ушбу тушунчалар айти бир хил маънода қўлланилиши лозим деган фикрлари дейиш мумкин.

Бироқ, ўзбек тилида мазкур тушунчалар синоним ҳисобланмайди [8] ва бу атамаларни бир хил маънода қўллаш назаримизда нотўғри. Маълумот ўрнида рўйхат бу - narsalarni, kimsalarni ma'lum tartib bilan hisobga olib, yozib chiqish va shu jarayonning natijasi bo'lgan hujjatдир [9]. Ҳисоб эса kimsa yoki narsalarning mavjudligini, miqdorini belgilash учун ro'yxatda qayd etilganlar тўғрисидаги маълумот [10].

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, шуни аълоҳида келтириб ўтиш лозимки, криминалистик ҳисоб ва рўйхат тушунчалари ҳам луғавий ҳам вазифа жиҳатидан турли ҳилдаги функцияни амалга оширувчи шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш давомида бир-бирига кўмаклашувчи ахборот қидирув тизимларидир. Мазкур бир-биридан мустақил бўлган криминалистик рўйхат ва ҳисобларнинг асосий фарқловчи хусусияти бу – ушбу тизимлар бажариши лозим бўлган функцияси билан боғлиқдир. Криминалистик ҳисоблар тадқиқоти давомида фақатгина идентификациявий турдаги масалалар тадқиқ қилинадиган бўлса, криминалистик рўйхатда диагностик турдаги масалалар ўрганилади.

Шу ўринда айнан бир хил объектлар доирасида ҳам криминалистик рўйхат ҳам криминалистик ҳисоб юритилиши мумкин. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказида ўқ отар қуроллар бўйича ҳам рўйхат ҳам ҳисоб юритилади. Бунда ҳисобда ўқ отар қуроллардан қоладиган излар бўйича тизим шакллантирилган бўлса, ўқ отар қўролларнинг ясашиш усуллари бўйича коллекция кўринишида криминалистик рўйхат юритилади. Мазкур жараёндан ҳам шуни англаш мумкинки, криминалистикр ҳисоб асосида ходиса содир бўлган жойдан топилган ўқдаги изларга кўра ўқ отилган қурол идентификация қилишини мумкин бўлса, ходиса содир бўлган жойдан топилган қўлбола қуролнинг ясашиш усулини билиш орқали коллекциядан муқаддам шу усулда қурол ясалган ёхуд ясалмаганлигини топиш мумкин бўлади.

Гарчи, юқорида криминалистик рўйхат ва криминалистик ҳисоб атамалари бўйича ўтказилган таҳлиллар давомида мазкур тушунчаларнинг бир-биридан асосий фарқи ҳамда ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган бўлсада, ушбу маълумотлар асосида криминалистик ҳисоб тушунчасига нисбатан тўлиқ ва мукамал таъриф ишлаб чиқиш имконияти йўқ. Шу сабабдан айти мазкур атама юзасидан

миллий ва хорижлик олим ҳамда тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириш лозим бўлади.

В.Д.Зеленский криминалистик ҳисобга нисбатан қуйидагича таъриф келтириб ўтган: криминалистик ҳисоб бу – содир этилган жиноятни тергов қилиш ва очишга имкон берувчи жиноятга оид объектлар тўғрисидаги маълумотлар тизимидир [11]. А.А.Беляков ва Р.А.Усмановлар криминалистик ҳисоб бу – жиноятларни очиш, тергов қилиш ва келгусида бўлиши мумкин бўлган турли ҳилдаги ғайриижтимоий ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш имкониятини берувчи маълумотларни ўзида сақловчи криминалистик рўйхатга олишнинг қуйи тизими ҳисобланади деган мазмундаги назарий тушунчани илгари суришган [12].

Криминалистик ҳисоб тўғрисида юртимиз олимлари томонидан криминалистик ҳисоб бу – жиноятчиларни қайд этиш рўйхатлари, ички ишлар органларини маълумотлар билан таъминлашдир деган мазмунда таъриф келтириб ўтилган.

Юқорида криминалистик ҳисоб атамасига нисбатан миллий ва хорижлик криминалист олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий тушунчалар келтириб ўтилди. Мазкур таърифлардаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, ушбу таърифларда криминалистик ҳисобларнинг қатор белгилари акс этган бўлсада, назаримизда криминалистик ҳисобларнинг асосий вазифаси етарлича очиб берилмаган. Зеро, юқорида таъкидланганидек ҳар қандай таърифда муайян тушунча ёки терминнинг унга хос муҳим белгилари акс этиши лозим.

Шу ўринда хорижлик олимлар томонидан криминалистик ҳисоб атамаси учун ишлаб чиқилган таърифларда ушбу мамлакат(лар)даги ўзига хос хусусият акс этган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, криминалистик ҳисоблар атамаси учун ушбу таърифларнинг тўғри ёхуд нотўғри эканлиги тўғрисида фикр билдириш назаримизда нотўғри. Бирок, шуни келтириб ўтиш мумкинки ушбу назарий тушунчалар криминалистик ҳисоблар атамасининг ҳозирги мамлакатимиздаги ҳолатига мос келмайди.

Айни мазкур тушунчага нисбатан миллий адабиётларимизда келтириб ўтилган назарий таърифлар эса тамомила криминалистик ҳисоб атамаси мазмунини очиқ бермайди. Шу сабабли криминалистик ҳисоблар тушунчаси учун, мазкур тушунчани тўлиқ мазмунда қамраб олиши мумкин бўлган таъриф ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Фикримизча, криминалистик ҳисоб учун қуйидагича таъриф мос келади: криминалистик ҳисоб бу – ўзида нарса-буюм ва шахсларни айнанлигини аниқлаш ҳамда суд экспертизасининг муайян тури бўйича хулоса бериш имкониятини берувчи белгиларни жамлаган марказлашган криминалистик ахборот-қидирув тизимидир.

Мазкур таклиф этилаётган таърифда криминалистик ҳисобларнинг вазифаси фақатгина идентификациявий турдаги масалани ҳал этиш эканлигидан тортиб, ушбу маълумотлар ахборот-қидирув тизимларида жамланишигача булган жараён ёритиб берилган.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tushuncha-uz/>
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tushuncha>
3. Белкин Р. С. Курс криминалистики. М., 1997. Т. 2. С. 175–202; Криминалистика / Отв. ред. Б. П. Смогоринский. Волгоград, 1944; Образцов В. А. Выявление и изобличение преступника. М., 1997. С. 323
4. Балик М. Вопросы дальнейшего развития криминалистического учета (по материалам СССР). Автореф. ... канд. юрид. наук. М., 1971; Евсюнин И. Н. Научные основы криминалистического учета оперативно-технических аппаратов. Автореф. ... канд. юрид. наук. М., 1972; Возгрин И. А. Некоторые вопросы теории и практики криминалистического учета // Вопросы теории и практики борьбы с преступностью. Л., 1972. С. 3–14.
5. Маматқулов Т.Б., Астанов И.Р., ва бошқалар. Криминалистика // Дасрлик Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015
6. Базарова Д.Б., Мирзаев А.А., ва бошқалар. Криминалистика // Дасрлик Т.: Тошкент Давлат Юридик университет 2018

7. «Регистрация» (от лат. *registrum*) означает внесение, составление перечня, описи. «Учет» – регистрация лиц, предметов и т. п. с занесением их в списки; установление наличности кого-либо, чего-либо. Словарь современного русского литературного языка. М., 1964. Т.16. С. 1151. В Словаре русского литературного языка (М., 1984. Т. 4. С. 543) содержится почти дословное объяснение термина «занесение в списки лиц или предметов и т. п., входящих в состав кого-л., чего-л.»

8. <https://sinonim.uz/>

9. <https://izoh.uz/word/ro%E2%80%98yxat>

10. <https://izoh.uz/word/hisob>

11. Зеленский В.Д. Криминалистика // 2015.

<https://be5.biz/pravo/k001/14.html>

12. Беяков А. А., Усманов Р. А. Криминалистическая регистрация: Научнопрактическое руководство. Ростов-на-Дону: Феникс, 2006. 187 с.